

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ТУТГАН ЎРНИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ғаниев Шаҳзодбек Муродилжон ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси 3-ўқув курси курсанти

Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ва давлат органлари устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилганлиги зарурати ҳозирги ички ишлар органлари тизимининг ислохотлар жараёнида ва Президентимиз томонидан 2017 йил 10 апрелда “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5005-сонли Фармонидаги камчилик ва таклифлар ижросини таъминлаш мақсадида ички ишлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш бўйича жамоатчилик назоратининг самарали механизмлари жорий этилди.

Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонуннинг 3-моддасида унинг субъектлари келтирилган бўлиб улар қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектларидир.

Жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин¹.

эса қонуннинг 4-моддасида берилган бўлиб

улар: Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг:

қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек ривожланиш давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга;

фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг ижро этилишини таъминлашга;

ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажаришга;

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун. ЎРҚ-474-СОН 12.04.2018./// URL: <http://www.lex.uz>.

давлат хизматларини кўрсатишга;

ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажаришга доир фаолияти жамоатчилик назоратининг объектидир².

Парламент давлат хокимиятининг демократик ташкил этиш хамда фаолият юритишнинг амалиёти ва тегишли сиёсий –хуқуқий таълимот сифатида бой тарихий илдизларга ,шунингдек сермазмун талқинга эга бўлган ижтимоий ходисадир.

Парламент назорати конунчилик органига юклатилган давлатларда парламентга нисбатан амалга оширилаётган назарат функцияси доирасида маълум бир шахс ёки муассасанинг ушбу назорат бўйича мажбуриятларини белгилаб беради. Уларга парламент ва депутатлик сўровларига белгиланган муддатда жавоб бериш ,парламент азоларининг саволларига жавоб кайтариш унда палата мажлисларига келиш мажбуриятлари,парламент сўровига барча хужжат ва материалларни такдим қилиш мажбурияти,ишончсизлик билдирилганда истефога чиқиш мажбуриятлари киради. Қонунга кўра парламент назорати сиёсий хусусиятга. Шу сабабли ,бир қатор мамлакатларда махкама харакатларини ҳукумат азолари томонидан танқид қилишга чекловлар ва унга қарши қаратилган муайян харакатлар мавжуддир. Италия, Буюк британия ҳукуматларининг жамовий масълияти, яъни позицияга қора ҳукумат азолари унинг қарорларига ояқ қарши чиқа олмайдилар, жамоа палатасида унга қарши овоз бера олмайдилар. Баъзан парламент назорати маъмурий хусусиятга ега бўлиб махсус органлар,яъни хисоб палатаси, хисоб судлари ва бошқа шу кабилар орқали амалга оширилади. Улар молиявий,молиявий-иқтисодий назоратга тегишлидир.

Парламент назорати –қонун чиқарувчи хокимият органларининг ижро хокимияти фаолияти ва унинг мансабдор шахслари фаолияти устидан олиб бориладиган назоратдир.

Парламент назоратининг асосий усулларига парламентга бериладиган ёзма ва оғзаки саволлар киради, унинг учун парламент йиғилишларида махсус тартиб ва ўзига хос хужжатлар мавжуд. Улар бутун палата номидан маълум бир органга юбориладиган парламент сўрови тўғрисидаги масалани ўртага ташлаш ,парламент текшируви, ахлоксизлик резолюцияси кабилардан иборат.

² Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун. ЎРҚ-474-СОН 12.04.2018./// URL: <http://www.lex.uz>.

Парламент назоратининг ахамияти шундаки, у **биринчидан** қабул қилинган қонунларнинг ижро этилиши даражасини ўрганиш; **иккинчидан**, қонунларнинг амалиётда қўлланишига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш; **учинчидан**, мавжуд камчиликларни бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш; **тўртинчидан** тегишли қонунларга тахлил натижаларига асосан қошимча ва ўзгартиришлар киритиш; **бешинчидан** давлат ҳокимият органлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг қонун ҳужжатлари қоида талабларига сўзсиз амал қилиш масъулиятини, мажбуриятини оширишга бевосита хизмат қилади.

Парламент назратининг шакли ва методлари давлат бошқаруви, тузилиши жиҳатига кўра ҳам фарқланади. Парламент ва ярим парламент бошқарувидаги республикаларда унинг ахамияти унча катта эмас.

Парламент фаолиятини мунтазам такомиллаштириш замонавий демократик давлат барпо этишнинг узвий жиҳати ҳисобланади. Бунда реалликдан келиб чиқилади: **аввало**; парламент – халқ томонидан сайланадиган олий давлат ҳокимият органи ҳисобланади, **иккинчидан**; парламент – халқнинг сиёсий минбари сифатида демократик давлат бошқарувида унинг билвосита иштирокида тامينлайди, **учинчидан**; у қонун чиқариш функциясини амалга оширади, **тўртинчидан**; жамиятда сиёсий кучлар нисбатини ифодаш, ижтимоий манфаатларни жамлаш ва уйғунлаштириш, **бешинчидан**; давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги муносабатларни қонун воситасида легитимлаштиради ҳамда улар ўртасидаги ихтилофларни хал этиш ёлида ҳамкорлик омили бўлиб хизмат қилади.

Ички ишлар органларининг фаолиятида қонунийликни таъминлаш бўйича жамоатчилик назоратининг самарали механизмлари жорий этилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашлари олдида ҳисобдорлиги белгиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг бошлиқлари ҳар чоракда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари ҳар чоракда ва уларнинг ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси масалалари бўйича ўринбосарлари ҳар ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишга тегишли ҳудудда жойлашган бошқа давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг, шу жумладан, нодавлат ноижорат ташкилотларнинг, сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва бошқа шахслар таклиф этилиши мумкин.